



яна ўша ҳолатда кўрганда у билан еб-ичишдан, у билан бирга ўтиришдан қайтармас эди». (яъни, ёмон кимса билан муомала қилиб юраверар эди). Мана шундай қилиб юраверишганидан кейин Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди. Кейин у зот «Бану Исроилдан куфр келтирганлар Довуд ва Ийсо ибн Марям тилидан лаънатландилар. Бу эса осийлик қилганлари, тажовузкор бўлганлари учун бўлди. Улар қилинган ёмон ишдан бир-бирини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон! Улардан кўплари куфр келтирганларни дўст тутганини кўрасан. Қасамки, уларга нафслари тақдим қилган нарса - Аллоҳнинг уларга ғазаб қилгани ва азобда мангу қолишлари нақадар ёмон! Агар Аллоҳга, Расулга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида уларни дўст тутмас эдилар. Лекин уларнинг кўпчилиги фосиқлардир»[1] оятини ўқидилар. Сўнгра яна: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, сизлар албатта яхшиликка буюринглар, мункардан қайтаринглар, золимнинг қўлидан ушлаб, ҳаққа буриб қўйинглар ва ҳақда тутиб туринглар. Ёки Аллоҳ қалбларингизни бир-бирига уриб, бир хил қилиб қўяди. Сўнгра Бани Исроилни лаънатланганидек сизларни ҳам лаънатлайди».

*Абу Довуд ва Термизийлар ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.*

Бу лафз Абу Довудникидир. Термизийнинг ривоятлари лафзида қуйидагича келган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бани Исроил гуноҳларга кўмилиб кетишганида, уламолари уларни гуноҳ қилишдан қайтарди. Лекин улар бундан ўзларини тўхтатишмади.** (Қавм тўхтамагандан кейин уламолари ҳам) **улар билан бир мажлисда ўтириб, бирга овқатланиб, ичиб (алоқани узмасдан аралишиб) юраверишди.** Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди, улар исён ва ҳаддан ошганликлари сабабли Довуд ва Исо ибн Марям тилидан уларни лаънатлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суяниб турган эдилар, ўтирдиларда: **Йўқ, бундай бўлманг! Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, золимларни ҳаққа мойил қилиб, унга уларни маҳкам эгинглар**», деб айтдилар».

[1] Моида сураси, 78-81-оятлар.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



